

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2021 йил август ойининг 30 кунда жиноят ишлари бўйича Чуст туман суди очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, туман судининг раиси С.Бадриддиновнинг раислигида, З.Расуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Чуст туман прокурори ёрдамчиси Қ.Байзаков, судланувчи А.Ражаббоев, жабрланувчилар У.Холматов, Ғ.Комилов, жабрланувчининг қонуний вакили И.Рахматиллаевнинг иштирокида, Ражаббоев Аъзамжон Фарходжон ўғлига нисбатан 1-1611-2101/191-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Ражаббоев Аъзамжон Фарходжон ўғли 2001 йил 17 январда Чуст туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, Тошкент Давлат жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси, муқаддам судланмаган, Чуст тумани, “Машҳад” МФЙ, Олмазор кўчасида яшайди, жиноят иши бўйича дастлабки тергов органи томонидан 2021 йил 28 май куни “қамоқ” эҳтиёт чораси қўлланилган, 2021 йил 26 майдан қамоқда, айблов ҳулосаси нусхасини 2021 йил 08 июнда олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган;

Суд, судланувчи, жабрланувчилар, жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

А.Ражаббоев, 2021 йилнинг 19 май кунидан 20 май кунига ўтар кечаси соат тахминан 01:00 ларда Чуст тумани “Машҳад” МФЙ Олмазор кўчасида яшовчи фуқаро Комилов Ғуломжон Миробиддиновичнинг яшаш уйига ғайриқонуний равишда кириб, молхонасида боғланган ҳолда бўлган бир бош бозор нархи 10.000.000 сўмлик қора молини ўғирлаб кўчага олиб чиқиб, Ғ.Комиловнинг яшаш уйдан тахминан 100 м узоқда бўлган қабристон ичкарасига олиб кириб, кейинроқ олиб кетиш учун шу ерда бўлган дарахтга боғлаб қўйган.

А.Ражаббоев, такроран шу куни Ғ.Комилов билан ёнма ён қўшни бўлиб яшовчи Холматов Умарали Ражабовичнинг яшаш хонадонига ҳам девордан ошиш йўли билан ноқонуний равишда кириб, молхонасида бўлган бозор нархи 9.000.000 сўм бўлган сариқ рангли сигирини ўғирлаб кўчага олиб чиққан вақтида, Ғ.Комилов уйғониб кўчага чиқиб қолгани ва моли ўғирланганини



билиб, бакириб, ўғрини тўхтатишга ҳаракат қилгани учун, жиноий ҳаракатларини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етказа олмасдан, Ғ.Комиловнинг ва У.Холматовларнинг молларини шу ерда қолдириб, ўзи қочиб кетган.

Бундан ташқари, А.Ражаббоев такроран 2021 йил 20 май куни соат тахминан 04:00 ларда Чуст тумани Мустақиллик МФЙ ҳудудида жойлашган “Маржона-Мушарраф” фермер хўжалиги кўрғони ичига ноқонуний равишда кириб, шу ерда қоровул бўлиб ишловчи Чуст тумани Хўжаобод МФЙда яшовчи фуқаро Абдуллаев Мирфатулло Рахматиллаевичга тегишли 4 бош қорамоллар орасидан 3 бош, бозор нархи тахминан 25.000.000 сўмлик молларни ерга маҳкамланган арқонини ўзида бўлган чалабзар пичоқ билан кесиб, молларни ўғирлаб ташқарига олиб чиқиб, ўзи билан олиб кетган ва уларни Чуст тумани Мустақиллик МФЙ ҳудудида одам яшамайдиган битта нотаниш ҳовлига олиб кириб, ҳовли томорқасидаги дарахтга боғлаб қўйиб, ўзи уларни олиб кетиш учун автомашина топиб келишга кетган вақтида боғланган молларнинг иккитаси бўшалиб қочиб кетган, аммо қолган битта молни А.Ражаббоев ўзи билан Мустақиллик МФЙ ҳудудидаги қир ичидан етаклаб кетаётган вақтида ушбу молнинг қонуний эгаси бўлган М.Абдуллаевнинг ўғли И.Рахматуллаев кўриб қолганида, молни қолдириб кетган.

Суд мажлисида А.Ражаббоев, айбигна тўлиқ иқроор бўлиб, дастлабки терговда берган кўрсатувини тўлиқ тасдиқлаб, 2021 йил 19 май кунидан 20 май кунига ўтар кечаси соат тахминан 00:00 ларгача у бир ўзи Чуст шаҳридаги Шаббода номли ошхонага келиб ўтириб овқатланиб, соат тахминан 01:00 лардан кейин у маст ҳолда ўғирлик қилиш ниятида маҳалладоши Комилов Ғуломжон аканинг уйларига орқа томондаги жарлик томондан кирганлигини, Ғуломжон ака уни бувиси билан ёнма ён уйда яшаганликлари учун уларни уйларида молхоналари қаерда эканлигини билишини, у ерда бўлган битта сигирни ўғирлаб чиққанлигини, молни етаклаб, кўчанинг бошидаги қабристон ичкарасига бориб, уни ўша ерга боғлаб қўйганлигини, у молни қабристонни ичидаги битта дарахтга боғлаб қўйганидан кейин яна битта молни ўғирлаш мақсадида кейинги кўшнимиз Умарали аканинг уйларига деворларидан ошиб тушиб, ичкарига кириб, молхоналари навесида турган битта молни кўриб, уларнинг орқа томондаги боғ эшикларини очиб, молни ўша ердан кўчага олиб чиққанлигини, молни яна қабристоннинг олдида олиб бориб, Ғулом аканинг уйдан ўғирлаб чиққан моли билан арқонини битта қилиб боғлаб, уларни ўзи билан етаклаб Чуст туманидаги мол бозори томонга борганлигини, мол бозори ёнидаги бедапояда молларни бироз боқиб ўтириб, шу вақда у қаттиқ маст ҳолда бўлганлиги учун ухлаб қолганлигини, уйғониб қараса моллари йўқолиб қолганлигини, кейин у молларни қидириб топа олмагани учун атрофни кўриб, бошқа бир молларни олишга ҳаракат қилганлигини, кейин мол бозорининг чап томонидаги битта кўрғонга кўча томондаги эшик ўрни учун қолдирилган жойдан кирганлигини, ичкарига кириб ҳовлининг ўртасига борганида моллар боғлаб қўйилганини кўрганлигини, у кўрғон ичидаги иккита



молни арқонини қўлида бўлган чалабзар пичоқ билан кесиб, иккита молни арқонини кесиб, ўзи билан етаклаб ташқарига юрганида ортдан яна битта мол ўзи эргашиб чиқиб келаётганини кўрганлигини, уни ҳам қўшиб етаклаб кетганлигини, одам яшамайдиган ҳовлига етиб келиб, молларни етаклаб ичкарига кирганлигини, ва уларни боғлаб қўйганлигини ва Чуст шаҳрига молларни ортиб кетиш учун автомашина топишга борганлигини, автомашина топа олмаганидан кейин кун ёриша бошлагани учун молларни бирорта жойга беркитиб қўйиш учун ортга қайтиб кетганлигини, у молларни боғлаб қўйган жойига борганида уларни бирортаси ҳам жойида йўқлигини, кейин молларни бўшаб кетдимикин ёки эгаси топиб келиб олиб кетибди деб ўйлаб, шундай қилиб ташқарига чиққанида кўчада у ўғирлаган молларнинг биттаси ўтлаб юрганини кўрганлигини, аммо қолган иккитасини топа олмаганлигини, кейин шу молни ушлаб, ўзи билан етаклаб бориб, Мустақиллик МФЙ худудидаги коллеж томонга борганлигини, молни бир четроқ жойга боғлаб, бироз маст ҳолда бўлгани учун қолган иккита молни ҳам топиш учун ортига қайтиб кетганлигини, юриб мол ўғирлаган томонларга бориб қолганлигини, ўша томонда бир иккита болалар юришганлигини, улардан иккита молини йўқотиб қўйганини, кўрган кўрмаганликларини сўраганлигини, у болалар ҳам битта моллари йўқолиб қолганини, қидириб юришганини айтишганлигини, шундан сўнг қилган ишларида очила бошлагандан сўнг 20 май куни соат тахминан 13:30 лардан кейин Тошкент шаҳрига кетиб юборганлигини, унга худуд профилактика инспектори телефон орқали келиб бўлган ҳолатни ҳаммасини айтиб бериши, жабрланувчидан кечириш сўраши кераклигини айтиб тушунтирганлигини, ҳозирда унга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини, талаба эканлигини, қайтиб бундай ҳолат такрорланмаслигини, оилавий шароити оғир бўлганлиги учун шу ишга қўл урганлигини, қайтиб бундай ҳолат такрорланмаслигини билдириб кўрсатув берди.

Жабрланувчи И.Рахматиллаев суд мажлисида, дастлабки терговда берган кўрсатувини тўлиқ тасдиқлашини, 2021 йил 19 май куни укаси Асатулло уни ўртоғи Қахрамон билан бирга кўрғонда молларни қараб қолганлигини, у ўзи шу кечаси соат тахминан 01:30 ларда ўзини бошқарувида бўлган автомашинада кўрғонга борганида кўрғондаги 4 бош қорамолнинг биттаси қозиғини суғириб олиб, бўшалган ҳолатда кўрғон ичида юрганлигини кўрганлигини, у молни олдига келиб уни тутиб, қозиғини маҳкамлаганлигини, укаси Асатиллони уйғотиб ва ҳушёр ётишини, мол бўшалиб кетганини айтганлигини, кейин ўзини машинасида яна кетганлигини, соат тахминан 05:30 ларда кўрғонга келганида 4 бош молдан биттаси йўқ ва иккитаси арқони кесилган ҳолда бўш юрганлигини, у дарров атрофни қидира бошлаганлигини, аммо мол йўқлигини, оилавий ҳаммалари молни қидирганларини, бироқ уни топа олганларини, молни атрофдаги боғлар ичидан қидириб юрганларида битта бегона қора рангли кийим кийган болани учратиб қолганликларини, у унга ўзининг ҳам икки бош моли йўқолиб қолганини, шуларни қидириб юрганини айтганлигини, унга унинг гаплари, ҳаракатлари шубҳали туюлганлигини ва уни отасининг олдиларига



бошлаб келганлигини, дадаси ИИБ профилактика инспекторига телефон қилган вақтларида у бола бирдан ғойиб бўлиб қолганлигини, кейинчалик ўша бола эканлигини, ҳозирда унга етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, унга нисбатан даъвоси йўқлигини, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи У.Холматов суд мажлисида, дастлабки терговда берган кўрсатувини тўлиқ тасдиқлаб, “2021 йилнинг 19 май кунидан 20 май кунига ўтар кечаси у уйда дам олиб ётган вақтида тунги соат тахминан 03:00 ларда уни уйини қўшни Комилов Ғуломжон баланд овозда чақирганлигини, у тинчликмикан деб ташқарига чиқса, Ғуломжон кўчада турган эканлигини, қараса кўчада моллар турганлигини, Ғуломжон унга молини уйга олиб кириб кетишини, ўғри келиб, молларни ўғирлаб кетганини, ўзи уйғониб чиқиб қолганини, шунда ўғри молларни ташлаб қочиб кетганини айтганлигини, қараса ҳақиқадан ҳам уни моли кўчада турганлигини, Ғуломжоннинг ўзини ҳам молини ўғирлаб чиққанлигини, у шошган ҳолатида молни ичкарига олиб кирганлигини ва ҳовлини чироқларини ёқиб текширганлигини, билса, ўғри девордан ошиб ҳовлига тушган ва молхонадан молни ечиб ўғирлаб, ҳовлининг пастки томонида бўлган кичкина ёғоч эшикни ичкари томонидан очиб, молни олиб чиқиб кетганлигини, у Ғуломжондан бу молларни ким ўғирлаганини сўраганида у ўғри уни таниб қочиб кетганини, молларни бир бирга боғлаб қўйиб олиб кетаётган бўлганини, ўғрининг юзини кўрмаганини, қўлида ялтираган пичоққа ўхшаган нарса борлигини, шунинг учун кўрқиб, ортидан қувлаб бора олмаганини айтганлигини, ҳозирда судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини, унга қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Ғ.Комилов суд мажлисида, дастлабки терговда берган кўрсатувини тўлиқ тасдиқлаб, 2021 йилнинг 19 май куни соат тахминан 03:00 ларда деразани очганида кўйхонадан кўйнинг жуда ғалати овози қаттиқ овози эшитилганлигини, у тинчликмикан деб кўйхона томонга шоша пиша кетаётганида бирдан кўча томондан молининг овозини эшитганлигини, шундан кейин дарҳол кўча томонга юриб борганлигини, чироқни ёққанида дарвозани очиб кўчага чиққанида уни моли ва қўшниси Умарали аканинг моли иккаласини битта номаълум одам етаклаб кетаётганини кўрганлигини, унга бақириб, “Кимсан, тўхта” деганида у бирдан орқага қараб, шундан кейин у кўрқиб кетиб, югуришдан тўхтаб, у номаълум одам молларни ташлаб, ўзи бир икки қадам юриб, кейин югуриб қочиб кетганлигини, кейин уни югуриб кетаётганида оёғида оқ рангли спорт кроссовкаси борлигини кўрганлигини, у ташлаб кетган молларни олдига борганлигини ва қараса, иккита молни бир бирига боғлаб қўйилганлигини кўрганлигини, уни моли нисбатан каттароқ бўлгани учун қўшниси Умарали аканинг молини шохи билан сузаётган эканлигини, у молга тан жароҳати етказиб қўймасин деб дарров у молларни ажратиб, ўзини молини газ трубасига боғлаганлигини, кейин Умарали аканинг молларини боғлаганлигини ва ўзларини чақирганлигини, Умарали ака чиққанида унга молини номаълум одам ўғирлаб кетганини, у чиқиб қолгани учун ташлаб қочиб чиқиб кетганини, молини ичкарига олиб кириб кетишини айтганлигини, у



тергов органига келганидан кейин бу жиноятни Ражаббоев Аъзамжон содир қилганлигини билганлигини, шунинг учун ҳам бу каби ҳолат такрорланмаслиги учун ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлганлигини, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ С.Турдиев суд мажлисида, дастлабки терговда берган кўрсатувини тўлиқ тасдиқлаб, 2021 йилнинг 20 май куни у эрталабда бомдод намозини ўқиб, кўчага чиққан вақтида уйининг ёнида укаси Саиджонга тегишли ҳовли жойда бодом дарахтига учта қорамол боғлаб қўйилганини кўрганлигини, у буни кўриб бир ҳайрон қолганлигини, у ердаги бодом дарахтига боғланган уч бош қорамолни ечиб ҳовлидан ташқарига олиб чиққанлигини, ҳовлининг атрофи гарчи кўрғон қилиб ўралган бўлсада, ярим очик ҳолда бўлганлигини, бемалол кириб чиқса бўлишини, у молларни олиш учун кирганида уларнинг иккитаси боғланган бўлиб, биттасида арқони бўлмаганлигини, молларни қараганида биттаси катта мол эканлигини, орадан бироз вақт ўтиб, уйни битта нотаниш бола чақириб келганлигини ва укаси келганини айтганлигини, у шунда танидики, у келган бола олдинроқ келган боланинг акаси эканлигини, у ҳам укасининг орқасидан кетганлигини, у бу моллар кимники эканини билмаганлигини, у ушбу ўғирлик жиноятини ким содир қилганини билмаслигини билдириб кўрсатув берди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, жабрланувчилар ва судланувчининг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчининг жиноят содир этганликдаги айби, унинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатуви, жабрланувчиларнинг аризаси ва кўрсатувлари, кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган текшириш баённомаси, унинг фото иловалари, юзлаштириш баённомалари, олинган ашёвий далил ҳамда жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисида текширилган бошқа далиллар мажмуи билан исботланган деб топади.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Ражаббоевнинг жинойи ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган. Чунки А.Ражаббоев қасддан жиноят содир қилиш йўлига кириб, такроран ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “Ўзгалар мулкани ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорининг 5-бандида “Ўзгалар мулкани талончилик ва ўғрилик билан эгаллаган ва айбдор бу мулкдан ўз хоҳишича фойдаланиш ёки уни ишлатиш имкониятига эга бўлган вақтдан бошлаб, босқинчилик эса жабрланувчининг ҳаёт ва соғлиғи учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб ҳужум бошланган вақтдан бошлаб, тугалланган ҳисобланади.” деб тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти



тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” деб, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб; 4-бандида “Қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шарт” деб тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида далилларнинг мақбуллигига қўйиладиган шартлар ҳамда далилларни номақбул деб топиш асослари юзасидан тушунтиришлар берилган.

Суд, ишдаги судланувчи А.Ражаббоевни айблаш учун асос сифатида олинган далилларни тўплаш ва процессуал ҳаракатларни ўтказишга оид қоидалар ҳамда тартиблар юқорида қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилган бўлиб, далиллар мақбуллигига тааллуқли шартларнинг бирон-бир талаби бузилмаган, уларни номақбул деб топиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи А.Ражаббоевга жазо тури ва миқдорини белгилашда, шахсини, қилмишидан пушаймонлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, унинг ҳаракатида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, шахсини, қилмишидан пушаймонлигини ва етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги ва талаб эканлиги содир қилган жиноятни ижтимоий хавфлилигини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан, судланувчи А.Ражаббоевни дастлабки қамоқда ўтирган 3 (уч) ой 6 (олти) куни қамоқнинг бир куни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини уч кунига тенглаштириб ҳисоблашни ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасини қўллаб, шартли ҳукм қилишни ҳамда судланувчига нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чорасини бекор қилиб, дарҳол қамоқдан озод қилишни;

Шунингдек, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган 2 дона DVD диск жиноят ишда сақланаётганлигини инобатга олишни суд лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 459, 462-463, 465-468, 471-474-моддаларига амал қилиб, суд



ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Ражаббоев Аъзамжон Фарходжон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.

Судланувчи Ражаббоев Аъзамжон Фарходжон ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан, судланувчи А.Ражаббоевни дастлабки қамоқда ўтирган 3 (уч) ой 6 (олти) куни қамоқнинг бир куни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини уч кунига тенглаштириб ҳисоблаб, ўташ учун 2 (икки) йил 2 (икки) ой 12 (ўн икки) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Судланувчи А.Ражаббоевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасини қўллаб, шартли ҳукм қилиниб, 2 (икки) йил синов муддати белгилансин.

Унга қуйидаги мажбуриятлар юклатилсин.

-яшаш жойи, иш ёки ўқиш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб боровчи органга хабар бериб туриш, вақти-вақти билан келиб бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш;

-муайян жойлар (ресторан, кафе, барлар)да бўлмаслик;

-сутканинг соат 22-00 дан соат 06-00 гача бўлган вақтида яшаш жойида бўлиш;

-судланувчи А.Ражаббоевга синов муддати даврида ўқишни давом эттириш мажбурияти юклатилсин.

Жазони ижро қилиш Чуст туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Судланувчи А.Ражаббоевга нисбатан қўлланилган “қамоқ” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у дарҳол қамоқдан озод қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган 2 дона DVD диск жиноят ишда сақланаётганлиги инобатга олинсин.

Жиноят натижаси етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали апелляция тартибида Наманган вилоят судига шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

С.Бадриддинов



ХУСУСИЙ АЖРИМ

2021 йил август ойининг 30 кунда жиноят ишлари бўйича Чуст туман суди очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, туман судининг раиси С.Бадриддиновнинг раислигида, З.Расуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Чуст туман прокурори ёрдамчиси Қ.Байзаков, судланувчи А.Ражаббоев, жабрланувчилар У.Холматов, Ғ.Комилов, жабрланувчининг қонуний вакили И.Рахматиллаевнинг иштирокида, Ражаббоев Аъзамжон Фарходжон ўғлига нисбатан 1-1611-2101/191-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Н Д И:

Жиноят ишлари бўйича Чуст туман судининг 2021 йил 30 августдаги ҳукми билан судланувчи Ражаббоев Аъзамжон Фарходжон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, ЖКнинг 62-моддасига асосан, судланувчи А.Ражаббоевни дастлабки қамокда ўтирган 3 (уч) ой 6 (олти) куни қамокнинг бир куни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини уч кунига тенглаштириб ҳисоблаб, ўташ учун 2 (икки) йил 2 (икки) ой 12 (ўн икки) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилиб, ЖКнинг 72-моддасини қўллаб, шартли ҳукм қилиниб, 2 (икки) йил синов муддати белгиланди.

А.Ражаббоев, 2021 йилнинг 19 май кунидан 20 май кунига ўтар кечаси соат тахминан 01:00 ларда Чуст тумани “Машҳад” МФЙ Олмазор кўчасида яшовчи фуқаро Комилов Ғуломжон Миробиддиновичнинг яшаш уйига ғайриқонуний равишда кириб, молхонасида боғланган ҳолда бўлган бир бош бозор нархи 10.000.000 сўмлик қора молини ўғирлаб кўчага олиб чиқиб, Ғ.Комиловнинг яшаш уйидан тахминан 100 м узоқда бўлган қабристон ичкарасига олиб кириб, кейинроқ олиб кетиш учун шу ерда бўлган дарахтга боғлаб қўйган.

А.Ражаббоев, такроран шу куни Ғ.Комилов билан ёнма ён қўшни бўлиб яшовчи Холматов Умарали Ражабовичнинг яшаш хонадонига ҳам девордан ошиш йўли билан ноқонуний равишда кириб, молхонасида бўлган бозор нархи 9.000.000 сўм бўлган сариқ рангли сигирини ўғирлаб кўчага олиб чиққан вақтида, Ғ.Комилов уйғониб кўчага чиқиб қолгани ва моли ўғирланганини билиб, бақириб, ўғрини тўхтатишга ҳаракат қилгани учун, жиноий ҳаракатларини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етказа олмасдан, Ғ.Комиловнинг ва У.Холматовларнинг молларини шу ерда қолдириб, ўзи қочиб кетган.



Бундан ташқари, А.Ражаббоев такроран 2021 йил 20 май куни соат тахминан 04:00 ларда Чуст тумани Мустақиллик МФЙ ҳудудида жойлашган “Маржона-Мушарраф” фермер хўжалиги кўрғони ичига ноқонуний равишда кириб, шу ерда қоровул бўлиб ишловчи Чуст тумани Хўжаобод МФЙда яшовчи фуқаро Абдуллаев Мирфатулло Рахматиллаевичга тегишли 4 бош қорамоллар орасидан 3 бош, бозор нархи тахминан 25.000.000 сўмлик молларни ерга маҳкамланган арқонини ўзида бўлган чалабзар пичоқ билан кесиб, молларни ўғирлаб ташқарига олиб чиқиб, ўзи билан олиб кетган ва уларни Чуст тумани Мустақиллик МФЙ ҳудудида одам яшамайдиган битта нотаниш ҳовлига олиб кириб, ҳовли томорқасидаги дарахтга боғлаб қўйиб, ўзи уларни олиб кетиш учун автомашина топиб келишга кетган вақтида боғланган молларнинг иккитаси бўшалиб қочиб кетган, аммо қолган битта молни А.Ражаббоев ўзи билан Мустақиллик МФЙ ҳудудидаги қир ичидан етаклаб кетаётган вақтида ушбу молнинг қонуний эгаси бўлган М.Абдуллаевнинг ўғли И.Рахматуллаев кўриб қолганида, молни қолдириб кетган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 298-моддасига мувофиқ, жиноят ишини кўриш жараёнида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланганидан кейин суд хусусий ажрим чиқариб, унда тегишли давлат органларидан, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан, жамоат бирлашмаларидан, жамоалардан ёки мансабдор шахслардан ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўришни талаб қилади.

Юқоридаги ҳолатдан кўриниб турибдики, судланувчи Ражаббоев Аъзамжон Фарходжон ўғли томонидан ушбу жиноятни содир қилишига у яшаб турган Чуст тумани, “Машҳад” маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддилари томонидан маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида аҳоли томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳурмат ва уларга оғишмай риоя этилиши, давлат, жамият ва фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар етказмаслик юзасидан тушунтириш ишлари талаб даражасида ўтказилмаганлиги, маҳалла фаоллари, оқсоқоллари ҳамда профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида, айниқса вояга етмаганлар, ёшлар ўртасида профилактик ишларни етарли даражада олиб борилмаганлиги, қолаверса жиноятчиликка қарши кураш борасида тарғибот ишларини етарли даражада олиб борилмаганлиги сабаб бўлган.

Жиноят ишлари бўйича Чуст туман суди ушбу салбий ҳолатларга Чуст тумани, “Машҳад” маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддиларининг эътиборини қаратишни лозим топади.

Бинобарин, жиноят ишлари бўйича Чуст туман суди Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 298-моддасини қўллаб

А Ж Р И М Қ И Л А Д И



1. Чуст тумани, “Машҳад” маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддиларининг эътибори мазкур ажримда кўрсатилган қонун бузилиши ҳолатлари яъни юқоридаги жиноятни содир қилинишига имкон берган шарт-шароитларга қаратилсин.

2. Чуст тумани, “Машҳад” маҳалла фуқаролар йиғинининг навбатдан ташқари тезкор йиғилишида жиноятларни олдини олиш борасида тегишли чоратadbирларни белгилаш талаб қилинсин.

3. Муҳокамада туман судининг иштирокини таъминлаш мақсадида хусусий ажрим кўриб чиқиладиган кун ва жойи ҳақида туман судига олдиндан хабар берилсин.

4. Кўрилган чоралар натижаси ҳақида хусусий ажрим олинган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида жиноят ишлари бўйича Чуст туман судига ёзма равишда маълумот юборилсин.

Раислик қилувчи

имзо

С.Бадриддинов

Нусхаси аслига тўғри

Раислик қилувчи

С.Бадриддинов

